



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 25 июнь, № 124 (6307) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНД АВЛОД



Бугунги кунда мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда болалар оромгоҳларининг фаолият йўналишларини шаклан ва мазмунан бойитиш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепциясига мувофиқ амалга оширилаётган кенг кўламли савий-ҳаракатлар эртаминг эгаларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши, саломатликларини мустаҳкамлашларида, шу билан бирга, интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришда муҳим ўрин тутаяпти.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Куёшли” болалар дам олиш масканида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган “Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи”да янги мавсум бошлангани муносабати билан ўтказилган тадбирда ана шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, илгор ўқувчилар ва иқтидорли ўқувчилар қатнашган маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар. Ушбу масканининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда соғломлаштириш

мавсуми давомида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Билимлар беллашуви — 2015” танловида ғолиб бўлган 500 нафар ўғил-қиз, Меҳрибонлик уйлариининг 100 нафарга яқин тарбияланувчилари ва имконияти чекланган болажонлар Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бепул соғломлаштирилади. — Айни кунда мавсумнинг 1-навбатиди “Куёшли” оромгоҳи 250 нафар иқтидорли ўқувчини, шунингдек, пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ўз бағрига олган, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидидаги “Куёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов.

(Давоми 4-бетда).

Бўстонлиқ туманидаги “Куёшли” болалар дам олиш масканида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган “Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи”да иқтидорли ўқувчилар мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

МАРДЛАР КЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти битирувчиларига диплом ва офицерлик унвони топширилди.

Малакали кадрлар

ҳар бир соҳа равнақида муҳим ўрин тутаяди

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, божхона тизими ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда божхона иши фаолиятини янада такомиллаштириш, божхона органлари учун юқори малакали кадрлар

тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини ошириш мақсадида қатор савий-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи чорагида темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун умумий қиймати

140

миллион АҚШ долларлик капитал кўйилмалар ўзлаштирилди.

Бу “Мароқанд — Қарши” ва “Қарши — Термиз” темир йўл участкаларини электрлаштириш, “Ангрен — Поп” янги темир йўл линиясини қуриш, мавжуд темир йўлларни қайта тиклаш, юк ва йўловчи ташиш вагонлари тайёрлаш бўйича лойиҳалар юзасидан белгиланган ишларни жадал давом эттириш имконини берди.



Юртимиздаги ислоҳотлар самаралари

«The Korea Post» нашрида кенг ёритилди

Яқинда Корея Республикасида нашр этиладиган “The Korea Post” журнали саҳифаларида мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти ҳамда Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинадиган туркум мақолалар берилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

“2015 йил — Ўзбекистонда Кексаларни эъзозлаш йили” сарлавҳали мақола ана шулардан биридир.

Унда мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган

кенг қамровли чора-тадбирлар атрофида қаламга олинган.

Мақолада таъкидланганидек, қабул қилинган тегишли Давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг манзилли ҳимояси таъминланиши юзасидан салмоқ-

ли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

“Мамлакатда 60 ёшдан ошган 2,9 миллионга яқин киши истиқомат қилади, — деб ёзилади журналда. — Отаҳон ва онаҳонларнинг 225 минг нафари 80 ёшдан, 44 минг нафари 90 ёшдан, 8700 нафари эса 100 ёшдан ошган.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури ижроси кўриб чиқилди

Тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш иқтисодий янада барқарор ривожлантириш, унинг ташқи омилларга қарамлигини пасайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги ва самарали технологияларни татбиқ этишда катта роль ўйнайди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Бинобарин, Ўзбекистонда импорт ҳажмини камайтириш саноатни раванқ топтиришининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойда-

ланиш, шу асосда замонавий рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради.

Зеро, давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари

ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар мавжуд маҳаллий хом ашё базаси асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олишини яққол кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Мустақил ҳаёт остонасидаги масъулият

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар замирида навқирон авлодни билимли, ватанпарвар, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, истеъдодини рўёбга чиқариш каби эзгу мақсадлар мужассам.

АБИТУРИЕНТ — 2015

Жумладан, мамлакатимиз ёшларининг ўзлари танланган олий ўқув юрталарга қабул қилинишида тест синовларининг жорий этилгани уларнинг билим ва имкониятларини адолатли баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бинобарин, юртимизда илмга чанқоқ, мустақил фикрига таянган ҳолда ўзи қизиққан касб эгаси бўлишга интиладиган ёшлар кўп. 20 июндан 2015/2016 ўқув йили учун олий ўқув юрталарида қабул жараёнининг бошлангани

эса уларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Айни пайтда олий ўқув юрталарида қабул комиссиялари изчиллик билан фаолият юритаётир, унга ташир буюрган абитуриентлар масъул ходимлардан ҳужжатларни топши-

ришнинг талаб ва тартиблари, кириш имтиҳони ўтказилиши, мавжуд факультетлар, белгиланган имтиёзлар каби масалаларда аниқ маълумотлар олиши мумкин.

— Бу йил Ўзбекистон Миллий университетида абитуриентларга янада қулайлик яратиш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиш онлайн шаклда амалга оширилмоқда, — дейди мазкур олий ўқув юрти қабул комиссиясининг масъул котиби Равшан Ҳақимов. —

Яъни ёшлар ҳоҳ уйларидан, ҳоҳ бошқа жойдан интернет тармоғидаги qabul.nuu.uz сайтига кириб, рўйхатдан ўтишлари ҳамда онлайн ариза тўлдиришлари мумкин. Абитуриентлар бошқа зарур ҳужжатларни қабул комиссиясига топширадилар. Эътиборлиси, бу жараён беш дақиқага ҳам бормайди ҳамда узоқ вақт навбат куттиш, толиқишга сабаб бўладиган бошқа ҳолатларнинг олди олинади. Айтиш керакки, ушбу

таълим даргоҳида аризаларни онлайн усулда қабул қилиб олиш учун етти та компьютер хонаси ажратилган бўлиб, бу ерда катта тажрибага эга мутахассислар меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, қабул комиссияси фаолияти, абитуриентлардан қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳамда бошқа зарур қўндалик маълумотларни жойлаштириш учун махсус эълон тахталари ташкил этилган ва улар ҳар кунини янгилаб борилапти.

(Давоми 4-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Наманган шаҳридаги “Лазиз гранд сервис” масъулияти чекланган жамиятида аёллар ва болалар сумкалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу имконият корхонада амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида юзага келди.

Ички бозорга янги маҳсулотлар

Ушбу мақсадлар учун кичик бизнес субъекти томонидан 100 миллион сўмга яқин сармоя йўналтирилди. Янгиликлар туфайли бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробар ортди, 20 та кўшимча иш ўрни яратилди. Айни пайтда жамоа томонидан ички бозорга 46 турдаги бежирим сумкалар чиқарилмоқда.

— Эндиликда хорижлик ҳамкорлардан ҳам буюртмалар қабул қилаёلمиз, — дейди жамият мутасаддиларидан бири Дилмурод Эгамбердиев. — Жумладан, кейинги ойда кўшни давлатлардаги улгуржи мижозларимизга дастлабки маҳсулотларимизни жўнатамиз.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Махсус тизим асосида ишлайди

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Textile Mill Tashkent” тўқимачилик корхонасига хориждан олиб келинган илгор ускуналар компьютер “буйруғи” билан ишлайди.

Масалан, махсус дастурий тизим орқали улар хотирасига тўқилиши керак бўлган янги маҳсулотнинг андозаси киритилса бас, зум ўтмай ҳақиқийси қўлингизда бўлади.

Германиялик шериклар билан ҳамкорликда ўтган йили таъсис этилган мазкур кўшма корхонада катталар ва болалар, шунингдек, спортчилар учун табиий ва синтетик толали матолардан хилма-хил пайпоқлар тўқилмоқда. Эътиборлиси, бу ерда Жанубий Корея ва Хитой технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 90 фоизи экспорт қилинапти. Хусусан, етмиш кишилик жамоа ўтган йили хорижий давлатлардаги хариддорларнинг 489 минг АҚШ доллариларик буюртмаларини бажаришга муваффақ бўлди.

— Айни пайтда тижорат банки кредити ҳисобидан корхонамиз фаолиятини янада кенгайтираёلمиз, — дейди жамоа раҳбари Ҳасан Хошимов. — Бунинг учун кўшимча мажмуа бунёд этаёلمиз. Ҳамкор давлатлардан яна 43 та тўқимачилик ускунаси келтириш тадоригини кўрмоқдамиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Корхонада энг замонавий технология

Самарқанд шаҳридаги “Агробраво” масъулияти чекланган жамиятига Австриядан умумий қиймати 983 минг еврога тенг сутни қайта ишлаш ва музқаймоқ тайёрлаш технологик ускуналари келтириб ўрнатилди.

Янгиликлар туфайли ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури 40 тага етди, — дейди корхона раҳбари Ботир Қораўжаев. — Қолаверса, ускуналаримиз кам энергия сарфлаши баробарида, турдошларига нисбатан самарадорлиги жуда юқори. Шунингдек, қувватлар ўзлаштирилиши эвазига яна 30 кишини ишга жалб этди.



Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маҳаллийлаштириш жараёнларининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Хусусан, у Президентимизнинг 2015 йил 11 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳ-

ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 марта ошиб, 10 мингта иш ўрни яратилди. Умуман олганда, 2000 йилдан буён маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида 4 минг хил импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Соҳадаги ижобий кўрсаткичлар юзлаб юқори

Маҳаллийлаштириш дастури ижроси кўриб чиқилди

сулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиққан давлат органларидан биридир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан мазкур вазирликнинг тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштиришнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларига оид ахбороти тинланди.

Тадбир 2010 — 2014 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури ижроси устидан парламент назорати доирасида ташкил этилди.

Бундан аввал қўмита аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган қатор корхоналарга ташир буюрди. Айни чоғда жойларда ушбу ҳужжатнинг бажарилиши маҳаллий тадбиркорлар иштирокида муҳомадан ўтказилди.

Эшитув мобайнида қайд этилганидек, юртимизда қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар туфайли 2010 — 2014 йилларда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширган корхоналар томонидан 46 трлн. сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ўтган даврда мамлакатимизда мазкур йўналишда маҳсулот

Йигилиш иштирокчилари тегишли қонунчилик ҳужжатлари, Маҳаллийлаштириш дастурининг сўзсиз ижросини таъминлашга оид тақлифлар билдирдилар.

Яқунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Саиджон МАХСУМОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳужжат доирасида ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институтининг тинловчиларга назарий ва амалий билимларни бериш баробарида, улар қалбида она-Ватанга муҳаббат, қасамдид ва бурчиға содиқлик туйғуларини кучайтиришга ҳам устувор аҳамият қаратилади.

Малакали кадрлар ҳар бир соҳа равнақида муҳим ўрин тутди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ички ишлар тизимини такомиллаштириш, соҳа мутахассисларининг салоҳиятини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги академиясида тергов, тезкор-қидирув, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда эксперт-криминалистик фаолият йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрланмоқда.

Академияда кундузги таълим ва олий академик курсни тугатган навбатдаги тинловчиларга дипломлар тантанали равишда топширилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант А. Аҳмедбоев, академия бошлиғи Ш. Икромов ва бошқалар ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳақида сўз юритиб, битирувчиларга тахсил давомида олган билим ва кўникмаларини эл-юрт осо-

йишталгини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш йўлида сафарбар этишларига ишонч билдирдилар.

— Назария ва амалиёт йўғун ҳолда олиб борилгани айни мудида бўлди, — дейди лейтенант Дилноза Парниева. — Бу ерда яратилган инновацион педагогик технологиялар маркази, одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича интерфаол ўқитиш, криминалистик тадқиқотларни ўрганиш, намунали милиция таянч пункти ўқув марказлари, тергов фаолияти мутахассислиги бўйича ўқув-методик хонаси ва бошқа замонавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланди. Энди юртга садоқат билан хизмат қилиб, зиммамиздаги муқаддас бурчни шараф билан адо этамиз.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

Юртимиздаги ислохотлар самаралари

«The Korea Post» нашрида кенг ёритилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар орасида Иккинчи жаҳон урушининг 3 минг 109 нафар қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар бор. Ўзбекистон раҳбарининг «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги янги ташаббусларга кенг йўл очди».

Нашрда таъкидланганидек, «Мазкур ҳужжат Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларининг манзилли ижтимоий ҳимоясини қўллаб-қувватлаш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш лавозими ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган. Унга мувофиқ, 10 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат бюджети ҳисобидан соғломлаштирилади. Бунга қўшимча равишда 6 минг нафар ишлаётган кекса инсонларни, пенсионерларни қасба уюшмалари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштириш ишлари амалга оширилади. Ушбу мақсадларга қарийб 5 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланган».

«The Korea Post» журналида «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши сингари нодавлат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий тизимларнинг уруш фахрийлари ва кексаларни молиявий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларига ҳам юқори баҳо берилган. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, Саховат ва Мурувват уйлари эҳтиёжмандлар хизматида эканлиги ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Журналда чоп этилган иккинчи мақола «Ўзбекистоннинг бизнес жозибдорлиги» деб номланади. Унда мустақилликнинг биринчи қунариданок, республикада қўлай сармоявий муҳитни яратиш, миллий иқтисодиётга илғор технология ва хориж сармоясини жалб қилиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётгани қайд этилади.

«Қўрилган чора-тадбирлар туфайли биргина 2014 йилнинг ўзида жалб қилинган тўғридан-тўғри сармояларнинг ҳажми 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошди, — деб ёзилади нашрда. — Улар орасида «General Motors», «MAN», «Knauf», «Itochu», «Rietel», «Klaas», «Nestle», «Coca-Cola», «Kogaz», «Sasol», «Ariston», «CNPC», «Indorama», «Газпром», «Лукойл», «LG», «Lotte», «Sumitomo», «Korea Telecom» сингари жаҳонга машҳур корпорация ва бошқа фирма ҳамда компания-



лар бор. Улар билан ҳамкорликда жаҳон бозорида талаб қилинадиган ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган сармоявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди».

«The Korea Post» Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан муваффақиятли ўзаро манфаатли ҳамкорлиги намунаси сифатида «General Motors» корпорацияси билан биргаликда автомобиль ва уларнинг двигателларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, Жанубий Корея бизнес субъектлари кўмағида газни қайта ишлайдиган Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши, Қашқадарё вилоятида синтетик ёнилғи (GTL) ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ва бошқа лойиҳаларни келтириб ўтади.

Мақолада таъкидланганидек, қўлай жўғрофий жойлашуви, бой табиий ресурслар захираларининг мавжудлиги, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва ривожланган инфратузилма хорижлик сармоядорларни Ўзбекистонга жалб қилаётган асосий омиллар ҳисобланади.

«Ўзбекистон нефть саноати соҳасида Жанубий Корея билан ҳамкорлик қирраларининг кенгайиши» сарлавҳали мақолада ҳам мамлакатимизнинг замини улкан углеводород ресурслари захирасига эга эканлиги хусусида фикр юритилган. Хусусан, республиканинг беш минтақасида нефть ва газ конлари, 211 углеводород кони ашё конлари мавжуд. Шунингдек, 108 та газ ва газ конденсати, 103 таси нефть-газ, нефть-газ конденсати ва

нефть конларидир. 50 фозидан зиёд конларда иш олиб борилмоқда, 35 фозиди ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган, қолганларида эса разведка ишлари давом эттирилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестиция дастурида нефть ва газ соҳасида 23 миллиард АҚШ доллари баҳосига тенг бўлган 31 лойиҳа киритилган», деб ёзилади нашрда.

Журналда маълум қилинишича, 2006 — 2014 йиллар давомида Ўзбекистон нефть ва газ саноатини ривожлантиришга йўналтирилган тўғридан-тўғри сармояларнинг ҳажми қарийб 3,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Мақолада Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон нефть-газ индустриясида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга катта қизиқиш билдиришга тани алоҳида қайд этилади.

Жумладан, Корея газ корпорацияси («KOGAS»), «Lotte Chemical» ва «STX Energy» компаниялари иштирокида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуи бунёд этилмоқда. Йирик ва истиқболли лойиҳа сифатида баҳоланган мажмур улкан саноат иншооти йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш имконини беради.

«Жаҳон» АА. Сеул

«Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистонда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳитидан унумли фойдаланган ҳолда, ўзларининг ушбу мамлакатдаги иштирокчини кенгайтириш ниятида», дея ёзилади «The Korea Post» журналіда.

Маъмурий юстиция такомиллаштирилмоқда

Пойтахтимизда маъмурий юстиция ривожланишига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлиги томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан биргаликда ташкил этилди.

АНЖУМАН

Анжуманда Олий суд ва Олий ҳўжалик суди, Жиноят ишлари бўйича Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри судлари судьялари, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари, германиялик экспертлар иштирок этди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъмин-

лаш ва таъсирчанлигини ошириш, жиний ҳазо-ларни либераллаштириш, судларни ихтисослаштириш, пировардида одил судловни қарор топтиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришда муҳим омил бўлаётган. Хусусан, «Хабасис корпус» институтининг миллий қончилигимизга жорий этилиши ҳар бир шахснинг асосий жиний таъ-

қиб ва шахсий ҳаётга ара-лашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур институтини қўллаш соҳасини янги босқичга олиб чиқди.

Судга иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлла-ниб келинган айбланувчи-ни лавозимидан четлатиш ва шахсини тиббий муассасага жойлаштириш тарзи-даги процессуал мажбу-рлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ўтган йили Жиноят-процессуал кодекси-

га эҳтиёт чораларининг янги тури, яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ажримига асо-сан амалга оширилади. Тадбирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохот-лари, жумладан, маъму-рий-ҳуқуқий муносабат-ларда юзага келадиган тортишувларни ҳал этиш-га қаратилган маъмурий юстиция изчиллик билан такомиллашайётгани таъ-кидланди. Айтиш жоизки, нафақат фуқаролар, бал-ки юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар манфаатлари ҳам маъму-рий юстиция соҳасига қиради.

— Дастуриимизни амал-га ошириш доирасида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳа-

Қисқа

сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда эркин бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этадиган тарафлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, уларнинг ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Анжуман иштирокчилари турли ташкилот ва идоралар фаолияти очиллигини таъминлашда ахборот хизматларининг ўрни, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ва бошқа долзарб мавзулар бўйича фикр алмашди.

Фаридат МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

● Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти мутахассислари томонидан бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик давомида тўқсон нафардан ортиқ ўғил-қизнинг саломатлиги ўрганилиб, юқори малакали мутахассислар томонидан зарур тасвир ва маслаҳатлар берилди.

● Пойтахтимизда жойлашган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимизда давом этаётган гиёҳвандликка қарши кураш ойлғи доирасида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. Унинг доирасида мавзуга оид ижтимоий видеороликлар таллови голиблари аниқланиб, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совгалари топширилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Инвестиция ва имконият

Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида

алоҳида таъкидланганидек, ўтган йили иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 10,9 фозис ўсиб, 14 миллиард 600 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Унинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

ИЗЛАНИШ

Жумладан, Пастдарғом туманида жойлашган бизнинг қўшма корхонамизга ҳам сўнги уч йил давомида қарийб 10 миллиард сўмлик сармоа киритилганлиги натижасида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун препаратлар ишлаб чиқарадиган йирик замонавий саноат мажмуига айлантирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, заводимизга қарашли ер майдони 27 гектар бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш ва ветеринария-санитария зоналари мавжуд. Улар энг илғор ускуналар билан жиҳозланган. Шу боис препаратларимиз фармацевтика ишлаб чиқариши-нинг асоси бўлмиш GMP халқаро қоидаларига талабларига тўлиқ жавоб беради. Қолаверса, корхонамизда барча турдаги лаборатория, уй ва чорва моллари ҳамда паррандачилик ҳайвонлари сақлан-диган вивария бўлими бўлиб, унда назорат-тах-лил лабораториясининг



Шоҳруҳ ШАРАПОВ олтин сурат.

малакали ходимлари тайёр препаратларнинг безарарлиги ҳамда самарадорлигини синовдан ўтказиши маҳсулотларнинг кафолатини таъминлайди.

Бундан ташқари, корхонамиз юртимиздаги бир қатор илмий тадқиқот муассасалари, шунингдек, Беларусь Республикасининг тажрибавий ветеринария институти билан мустаҳкам

ҳамкорлик ўрнатган ҳолда изланишлар олиб бормоқда. Бунинг самараси ўларок, ўтган йили корхонамизда 3 миллиард сўмлик салкам 50 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Айни чоғда препаратларимизни экспорт қилишни бошладик. Жорий йилнинг ўтган даврида 150 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулотлар хорижий мамлакат-

ларга жўнатилди. Ҳозир ташқи бозордаги фаолиятимизни янада кенгайтиришга эътибор қаратаямиз. Айни пайтда корхонамизда 117 нафар ишчи меҳнат қила-пти. Тез орада улар са-фига яна 30 нафар киши қўшилади.

Шоҳруҳ НАСИМОВ, Самарқанд вилоятидаги «Ўзбекиокомбинат» қўшма корхонаси раҳбари.



Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодийнинг тез ўзгаришчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Қувонарлиси, ушбу жараёнда молия муассасалари ҳам фаол иштирок этиб, соҳа вакилларининг ҳақиқий кўмакчисига айланаётти. Бунга "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг фаолияти яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси ўтган вақт мобайнида соҳа вакилларининг ишончини тўла қозониб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи муҳим воситага айланди. Бунда банкнинг, аввало, чекка-чекка ҳудудлар, шу жумладан, олис қишлоқ ва овулларга ўз хизматлари билан кириб бораётгани, айниқса, муҳим омил бўлаётти. Натижада айни пайтга келиб, республикамиз бўйича банкнинг 85 та филиали ва 142 та минибанки томонидан 252 мингдан зиёд мижозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Бу бир йил ичида унинг мижозлари сони қарийб 70 мингга кўпайганидан далолатдир.



«Микрокредитбанк»:

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ЮКСАК САЛОҲИЯТ



Кичик бизнес — фаровон турмуш асоси

Юқорида қайд этганимиздек, ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаш "Микрокредитбанк" фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади. Бу борадаги ишларни кенгайтиришда эса давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал вазифини ўтамоқда. Негаки, ушбу ҳужжат талаблари асосида банк ва мижоз муносабатлари янада мустақамланиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар вужудга келди. Аниқроғи, ушбу ҳужжатга мувофиқ, банк устав капитали кўпайтирилиб, тадбиркорлар учун энг паст фоизларда микрокредит хизматлари кўрсатиш жорий этилди. Натижада банк тадбиркорликнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган вазибаларини тўлиқ амалга оширишга эришди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 654,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани, кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳақида 296,8 млрд. сўмни ташкил этгани, пировардига 37 860 та иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир.

Банк томонидан, шунингдек, хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ўтган йили 37,4 млрд. сўм миқдоридagi маблағ ёш мутахассисларга тақдим этилган бўлса, аёл тадбиркорларга 74,4 млрд. сўмлик сармоя йўналтирилди. Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик соҳаси вакилларига 48,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши баробарида, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун барча молиялаштириш манба-

лари ҳисобидан 84 млрд. сўм миқдоридa сармоя берилди.

"Микрокредитбанк"нинг кичик бизнесни ривожлантиришга қанчалик ҳисса қўшаётганини барча тижорат банклари томонидан ушбу соҳага ажратилган кредитларда унинг улуши 7,2 фоизни, яратилган иш ўринлари бўйича 7,9 фоизни ташкил этаётганидан ҳам аниқлаш қийин эмас.

Хотин-қизлар билан ҳамкорликни кенгайтиришда эса Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси билан биргаликда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида кўплаб семинарлар, учрашувлар ўтказилаётгани, бир қатор истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани, айниқса, қўл келмоқда. Мисол учун, "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" ва "Тадбиркор аёл" лойиҳалари қишлоқ аёлларининг бизнесни бошлалари, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда аниқ мудоао бўлаётти. Бунинг самарасини айни пайтда банк сармояларидан фойдаланаётган ишбилармонларнинг ярмидан кўпи тадбиркор опа-сингилларимиз эканлигидан ҳам билиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар ажратиш йўли орқали аёллар ва ёшлар, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун уларни ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига қўра эса Нурота, Мўйноқ, Ёзёвон, Узун, Касби, Мингбулок, Хонқа туманларида "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами" мавзусида тадбирлар ташкил этилди. Энг муҳими, ушбу тадбирлар асосида 593 нафар битирувчига банк

кредитдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бунинг натижасида минг нафардан зиёд ёшлар доимий иш жойига эга бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва бошқа ташкилотлар билан ўрнатилган алоқалар ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Менинг бизнес ғоям" танлови касб-хунар коллежи ва академик лицейлар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга, ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашмоқда.

Устувор вазибалар ижросининг натижалари


Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2013 йил 29 мартдаги "Микрокредитбанк" очiq акциядорлик тижорат банкининг капиталлаштириш даражасини ошириш

ча ундан ҳам юқорилигини кўрсатади.

Банк томонидан қўлга кiritилаётган бундай ижобий кўрсаткичлар, унинг капиталлашув даражаси ошиб бориши тадбиркорлар билан алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мустақам ҳамкорлик — ривожланиш гарови

"Микрокредитбанк"нинг тадбиркорлик субъектларига ажратаётган кредитлари миқдори ўсиб, кўрсатаётган хизматлари сифат жиҳатдан яхшиланишида халқаро алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтайлик, банк томонидан ўтган йили бир қатор халқаро ташкилот ва молия институтларининг имтиёзли кредит ҳамда грантлари жалб этилиб, ушбу тармоқ ривожига сарфланди. Масалан, БМТ Тараққиёт дастурининг 222,9 минг АҚШ доллари ҳамда Германия Жамғарма кассалари фондининг 130 минг евро миқдоридagi грант маблағлари ҳисобидан тадбиркор



фонди" (IFAD)нинг 6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағини ўзлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ва "Микрокредитбанк" ўртасида келишув имзоланган эди. Шунга қўра, 8 та тадбиркорга 1 млрд. 127 млн. сўм миқдоридa узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, бундан бир неча йил аввал Польшанинги Микромолиялаш маркази ва Ўзбекистон Микромолиявий институтлар миллий ассоциацияси ўртасида имзоланган битим ҳам ўзининг аҳамияти билан алоҳида ажралиб ту-

агрофирмаларнинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки публикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фондининг кредит линияларини жалб қилиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда.

Айни чоғда тадбиркорлик субъектларига хорижий валютада кредит ажратиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорацияси билан 20 млн. АҚШ доллари келишувга эришилгани, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун Ислоом тараққиёт банкининг имтиёзли кредит линияси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг 2-грант лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ҳужжатлар ишлаб чиқарилаётгани ҳам эътиборга моликдир.

Хозирги кунда эса Осиё Тараққиёт банки, Германия ва Корея Республикасининг етакчи банклари, "Respons Ability" халқаро инвестиция фонди каби бошқа халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш режалаштириляптики, бу ҳам келгусида "Микрокредитбанк" ва мижоз ўртасидаги алоқалар янада кенгайишига туртки беради.

Сифатли хизмат — ўзаро ишонч қафолати

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011—2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқа-

ради. Яъни ушбу лойиҳа кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий билимини ошириш орқали истеъмол харажатларини тўғри тақсимлаш, шахсий капитал ва жамғармаларини бошқариш, кредит олиш ва уни аниқ мақсадга йўналтириш ҳолда, даромадга эга бўлишни ўргатишга қаратилган бўлиб, у бўлажак тадбиркор ёки оддий одамларга ишни тўғри режалаштириш, сармояларини химоя қилиш орқали ўзини моддий таъминлашга ёрдам беради.

Эътиборли жиҳати, мазкур лойиҳа бўйича ўтган давр ичида Микромолиялаш маркази томонидан жойларда кўплаб семинар ва тренинглар уюштирилиб, аҳолининг бу борадаги тушунчалари оширилди. Бу жараёнда эса "Микрокредитбанк" жамоаси ҳам муносиб иштирок этди.

Бугунги кунда банк томонидан ҳудудларда мева-сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил қилиш, фермер хўжаликлари ва

роғлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бошқа молия муассасалари қаторида "Микрокредитбанк" фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни унинг ижросини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш юзасидан банкнинг ҳар бир филиалида ойлик режалар ишлаб чиқилган эди. Пировардига 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, банкдаги юридик шахсларнинг умумий депозитлари қолдиғи 202,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридаги-га нисбатан 85,3 млрд. сўмга ёки 42 фоизга ортди.

Банкка аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишда эса 22 турдаги (шундан 18 таси миллий, 4 таси хорижий валютада) жозибador ва қулай омонат турлари ишлаб чиқилгани қўл келаяпти. Йил бошида аҳоли омонатлари қолдиғи 141,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, аввалги йилдаги нисбатан 37,5 млрд. сўмга ёки 136,2 фоизга ошгани, ўз навбатида, омонатчилар сони 17532 нафарга кўпайиб, 293504 нафарга етгани бунинг исботидир.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан банк томонидан "Нуроний" омонат тури ишлаб чиқилди. У ўзининг қулайлиги ва омонатчи манфаатига мос шартлари билан барчага манзур бўлаётти.

Бундан ташқари, хозирги кунда банкнинг 685,9 мингта пластик карточаси муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг 59 фоизи "Off-line" ва 41 фоизи "On-line" тизимида ишлаяпти.

Банкнинг "Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими" дастури эса ресурслар ва молиявий тавakkалчиликни самарали бошқариш, барча йўналиш бўйича марказлаштирилган сиёсатни олиб бориш, маблағ билан таъминлаш, режалаштириш ҳамда бизнес-режани бажариш устидан назорат ўрнатиш имконини бераётган бўлса, юридик шахслар учун мўлжалланган "СМС-банк", "Интернет-банк", жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи "Омонат-СМС", "СМС-Тўлов" ҳамда "Click" хизмат турлари ўзининг тезкорлиги билан мижозларга маъқул тушаётти.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Масканимиздаги бой китоб захирасига эга ахборот-ресурс маркази, замонавий компьютер хонаси, хореография зали, вокал хонаси, оқич ва ёпиқ спорт майдончалари ҳамда сузиш ҳавзаси болажонлар ихтиёрида. Шунингдек, бу ерда турли фанлар йўналишлари бўйича ижодий ўқув машғулоти, викториналар, мусобақалар, назм ва наво кечалари ташкил этилмоқда. Айниқса, таниқли

Умумий майдони 14 гектардан зиёд бўлган оромгоҳ худудиде мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар, шифобахш ўсимликларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Болалар мароқли дам олиш, спорт-соғломлаштириш тадбирларида иштирок этиш билан бирга, табиат кўнида турли фанлар бўйича маҳорат дарсларида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда. Дам олиш масканида

ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНД АВЛОД



фан арбоблари, олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида ўтказилаётган учрашувлар ўғил-қизларда катта таассурот қолдирапти. — Билимлар беллашуви — 2015" да иқтисодий билим асослари фани йўналишида катнашиб, биринчи ўринни эгалладим, — дейди Фаргона туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Бахтиёр Абдумажидов. — Ушбу оромгоҳда дам олиш билан бирга, билимимни янада мустаҳкамлаш имконига ҳам эга бўлдим. Келажакда зўр иқтисодчи бўлиб етишиб, шу соҳа ривожига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшсам дейман.

болажонларнинг вақти мазмунли ўтиши учун бор имкониятлар ишга солинган. Айниқса, бу ерда фаолияти йўлга қўйилган тўғарақлар барча зарур воситалар билан таъминланган, ўғил-қизлар табиат кучидаги ноанъанавий машғулотлар билан қанчалик олинмоқда. Оромгоҳда иқтидорли болалар билан бирга, юқори педагогик маҳорати орқали ёш авлод камолотига муносиб ҳисса қўшиб келаётган энг яхши устозлар ҳам жалб этилган.

Сўлим ва файзли масканида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тадбирларда истиклол йилларида барча жабҳада эришилаётган улкан натижалар, ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик болалар онгу шуурига содда, самимий, таъсирчан тарзда етказилаётгани эътирофга моликдир.

Тадбирда оромгоҳда дам олаётган болажонлар иштирокида «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлаката» деб номланган маданий-маърифий дастур намойиш этилди. Шунингдек, «Билимлар беллашуви — 2015» танловининг ғолиб ва совриндорларига диплом ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Х. ПАЙДОЕВ ошган суратлар.

Мустақил ҳаёт остонасидаги масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бу ерда ҳужжатларни қабул қилиб олишда яратилган шарт-шароит ва қулайликлар бизга жуда маъқул бўлди, — дейди Тошкент вилоятининг Паркент туманилик абитуриент Элмурод Муллажонов. — Тарих фанига жуда қизиқман. Шу боис мазкур йўналишдаги факультетга ҳужжатларимни топширдим. 12 йиллик таълимда олган билимларим талаба деган номга эришишимга асос бўлади, деб умид қиламан.

Кейинги йилларда юртимиз ёшлари орасида олий маълумот эгаллашга иштиёқ юксалаётгани қувонарли ҳол. Масалан, 2012 йилда абитуриентлардан тушган аризалар сони 432 017 тани таш-

қил қилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 480 407 тага етди. Утган йили эса олий ўқув юрталарига 543 мингдан зиёд аризалар келиб тушгани ҳам юқоридаги фикримиз исботидир.

Жорий йилда нуфузли таълим даргоҳларидан яна бири — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам талаба деган номга эришиш учун кўплаб абитуриентлардан аризалар келиб тушиши кутилмоқда. Қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори маълумотлиқ мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур муас-

сада таълим олиш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу эса, шубҳасиз, етук малакали мутахассислар етишиб чиқиши уларга ҳавас билан қараган ёш авлод онгида олий маълумот олиш рағбатини кучайтиради.

Мазкур ўқув юрти қабул комиссияси вақилларнинг таъкидлашчи, абитуриентларга тест синовларини муваффақиятли топширишлари учун етарли қулайликлар яратилмоқда. Синовлар ўтказиладиган ҳар бир бинада махсус штаб ташкил қилиниб, тартибни таъминлаш, шунингдек, зарурат бўлганда, шилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли соҳа ходимлари жалб этилиши таъминланади. — Обам ўқитувчи, қишлоғимиз-

да у кишининг оубрси ниҳоятда баланд. Шу боис болаликдан м у а л л и м бўлишни ният қилганман, — дейди қашқадарёлик Махмудбек Шомуродов. — Университетнинг она тили ва адабиёт факультетига ҳужжат топширдим. Келажакда билимли, кенг тафаккурли, фаол ва ижодкор ўқитувчи бўлиб танилсам, эл орасида ҳурмат қозонсам, дейман.

Дарҳақиқат, бугун ёшларнинг билим олиши учун катта имкониятлар мажбур. Шундан экан, ул-



кан мақсадларни кўзлаган йигит-қизлар фурсатни зор кетказмасдан, тест синовига пухта тайёргарлик кўришлари аини мудоаодир. Олий ўқув юрталарига ҳужжатларни топшириш жорий йилнинг 20 июлигача давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«КО'P TAPMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

● Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 10 июндаги 10-1214/23541-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, «Liftmontajsozlash» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Жанубий-Ғарбий sanoat худуди, Проектная Г-44 кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 14 485 кв.м., бино-иншоотларнинг майдони 2 325,0 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш худуди бино-иншоотлари мулкчи мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 067 176 000 сўм.
● Аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2013 йил 17 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Myasnoff plus» хусусий корхонасига қарашли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Наби Ҳасанов кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий майдони 487,0 кв.м.дан иборат бўлган цех ва омборхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 153 041 441 сўм.
Аукцион савдоси 2015 йил 28 июль кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

I. Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 29 декабрдаги ЖСХ-1-529/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 16-уйдаги 92 000,0 кв.м. ер майдонида жойлашган, бино-иншоотларнинг умумий майдони 6 085,0 кв.м., ҳужжатсиз қурилмалар майдони 513,0 кв.м.дан иборат бўлган «Сити макон» савдо ва кўнгилолчар болалар мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 14 894 494 074 сўм.
II. Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2014 йил 7 августдаги 1-251/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа (собик Х. Турсунқулов) кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м., А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 190 424 632 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4 048,0 кв.м., А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш ва омборхона биноси (бино-иншоотлар ичиде санузел, трансформатор, ГРП, учта фазали ҳисоблагич, ёнгин сигналлашчи ва унинг жиҳозлари ҳамда жалозалар жойлашган) билан биргаликда.

Бошланғич баҳоси — 2 651 888 936 сўм.
III. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент вилояти, Қийраб тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1 121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кунда асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино,

қурилиши тугалланмаган устакхона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулла қишлоғи худуди (собик Д. Тусметов кўчаси)да жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолари 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси тураржой ҳолатига келтириб қайта таъмирланган дала-ҳовли.

Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер майдон 4 611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м. бўлган 4 та бино ва 2 та ховуздан иборат чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бино 1-қаватининг бир қисми бўлган машичи хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер майдони 15 844 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м.дан иборат ишлаб чиқариш худуди бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.

6. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-кичик туманда жойлашган, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шоҳобчадан иборат автоустакхона, 4 автомашинага мўлжалланган автовиш шоҳобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1 081,75 кв.м.ни ташкил этиб, ҳозирги кунда биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3 999,30 кв.м.ни ташкил этади).

Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.

7. Тошкент вилояти, Қийраб тумани, «Оққовоқ» ҚФЙ, Оқолтин маҳалласида жойлашган, ер майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м.дан иборат дала-ҳовли.

Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.

Тақрорий аукцион савдоси 2015 йил 14 июль кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда катнашиш истагидида талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tapmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипоттека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш куллари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кун қолгандан соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.
Хизматлар лицензияланган.

«REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2013 йил 23 декабрдаги 16-1307/9118-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, 4-уйда жойлашган, Хитой давлатида ишлаб чиқариш икки дона, ҳамми 3 тоннадан иборат бўлган ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш технологияси асбоб-ускуна қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 232 474 657 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 27 июль кунни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида катнашиш истагидида талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган асбоб-ускуна билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида катнашиш истагидида талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real aukcion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

Гувоҳнома № 006795.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги Ахборот-Ҳисоблаш маркази директори Улўбек Салиева волидан муҳтарамаси **Раъно ая НОРМУҲАМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 13 ИЮНДАН 19 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2015 йил 5 июндаги 2015-20, 50-сонли «Фурқатларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасига ўтказилган сурғута балдаларини яқна тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юртиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-4 (2015 йил 22 июндан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2015 йил 18 июндаги 194-мқ-сонли «Идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2015 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1142-1 (2015 йил 22 июндан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июндаги 12/10-сонли «Тижорат банклар томонидан фермер ҳўжалиқларига бўғиш ҳосилини қарова олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2500-1 (2015 йил 22 сентябрдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 2 июндаги 13-мқ-сонли «Ўқувчиларни синфдан-синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2015 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684 (2015 йил 22 июндан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 2 июндаги 14-мқ-сонли «Жисмоний ёки псих ривожланишида нуҳсонли бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шартда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2015 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2685 (2015 йил 22 июндан кучга кирди).

5. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2015 йил 2 июндаги 1-сонли «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини ўтказиладиган текширишлари мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2015 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-9 (2015 йил 22 июндан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон «Ўзқоммунизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ихтимоий соҳа объектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесте субъектларига таъбирга газдан фойдаланиш учун русукатнома бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1142, 2002 йил 21 май).

Адлия вазирлигининг 2015 йил 18 июндаги 194-мқ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгариш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Қорхона ва ташиқлотлар раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ
қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов савдолари мuddати узайтирилганлигини эълон қилади:
«соя» рангли икки бармоқли камуфляж қўлқоплар, даструмоқлар, қора рангли ип газлама трусуиклар, ёқа остидан тақиладиган ёқачалар, катак-катак (вафельные) сочиқлар, пахтали матраслар, пахтали ёстиқлар, армия намунасидаги аделлар, қора рангли фуфайкалар, эркаклар учун энги узун, резинкали, денгиз тўлкини рангли кўйлақлар, эркаклар учун энги калта, резинкали, денгиз тўлкини рангли кўйлақлар, офицерлар учун эни 5 см. бўлган чарм камарлар, «К» ҳарфи билан «соя» рангли курсантлар камуфляж погонлари, пост сумкаси, ёзги пайпоқлар, қишки пайпоқлар.
Талабгорлардан танлов савдоларида катнашиш учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.
Маълумот учун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: (0-371) 281-43-73.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

WWW.XS.UZ Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган «Рақс сеҳри» республика фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: **Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.**
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5